

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

УСМАНОВА ЗУМРАД ИСЛАМОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИСТИК – РЕКРЕАЦИОН ХИЗМАТЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
in economic sciences**

Усманова Зумрад Исламовна

Ўзбекистонда туристик–рекреацион хизматлари ривожлантириш
хусусиятлари ва тенденциялари5

Усманова Зумрад Исламовна

Особенности и тенденции развития туристско-рекреационных услуг
Узбекистане 27

Usmanova Zumrad Islamovna

Features and tendencies in the development of tourist and recreational services in
Uzbekistan.....50

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....54

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ**

DSc.27.06.2017.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

УСМАНОВА ЗУМРАД ИСЛАМОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИСТИК – РЕКРЕАЦИОН ХИЗМАТЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Iqt150 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.sies.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тухлиев Искандар Суюнович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуллаев Ёркин Абдуллаевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Норчаев Асатилло Норбўтаевич
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация химояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.I.18.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил __ июн соат __: __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темура кўчаси, 9-уй. Тел (99866) 233-28-38; факс: (998966) 231-12-53; e-mail: ilm@sies.uz).

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд ш. Шохрух кўчаси, 60-уй. Тел.: (99866) 231-07-45; факс: (99866) 233-28-38; e-mail: ilm@sies.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил __ майда тарқатилди.

(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Э. Пўлатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., доцент

К.Б. Уразов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., профессор

М.М. Мухаммедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги глобаллашув шароитида туризм муҳим ижтимоий, иқтисодий ва маданий омиллардан бирига айланди. Иқтисодиётнинг ушбу секторида умумий даромад ҳажми триллионлаб долларни ташкил этмоқда, ҳар йили бутун дунёда бир миллиарддан¹ зиёд киши саёҳат қилмоқда. Туризм, нафақат савдо хизматларининг бир тури сифатида намоён бўлмоқда, балки бугун туризм бозорининг барқарор ривожланиши янги ишчи ўринларини яратишга ва унга турдош бўлган тармоқларни ривожлантиришга имконият яратмоқда.

Жаҳонда туристик-рекреацион хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш йўналишида қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда туристик-рекреацион хизматлар бозорининг ривожланиш йўналишларини белгилаш ва миллий иқтисодиётда туристик-рекреацион ривожлантириш моделини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда туризм индустриясига хизмат кўрсатувчи турдош соҳаларнинг туризмдаги улушини ва туризмнинг иқтисодиётдаги мультипликатив самарасини аниқлаш муҳим масалалар қаторига киритилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда туризм соҳасини жадал ривожлантиришга катта аҳамият берилиб, ўрта муддатли истиқболда туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсадли вазифалари ва устувор йўналишларидан бири сифатида «...туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш, ушбу соҳани барча ҳудудларни ва ўзаро боғлиқ тармоқларни комплекс равишда жадал ривожлантиришнинг етакчи кучига айланиши лозим бўлган иқтисодиётни диверсификациялаш, таркибий ўзгартириш ва барқарор ривожланишнинг қудратли воситасига айлантириш...»² белгиланди. Мазкур вазифаларнинг бажарилиши туризм соҳасини янада ривожлантириш, унинг ЯИМдаги улушини ошириш, аҳолини янги ишчи ўринлари билан таъминлаш мақсадида туристик-рекреацион бозорни чуқур таҳлил қилиш ва тегишли дастурлар ишлаб чиқишга асос яратадиган мукамал илмий тадқиқотларга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда. Шу туфайли туристик-рекреацион хизматларни ривожлантиришнинг илмий асослари тадқиқотига бағишланган мазкур мавзу долзарблигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сонли «2018-2019

¹ БМТ жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби Талеб Рифаининг ЮНВТО Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи// Моҳият. 2014 йил 3 октябрь.- № 40.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сонли «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Туризм хизматлар соҳаси ва унинг турли шакллари ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари А.Ю.Александрова, И.Т.Балабанов, М.Б.Биржаков, И.Енджейчик, М.А.Жукова, Н.И.Кабушкин, В.А.Квартальнов, Р.В.Колотова, А.Э.Саак, А.Д.Чудновский, Ф.Шерер, Д.Росс ва бошқа хорижий олимларнинг ишларида тадқиқ қилинган³. Замонавий шароитда туризмни ривожлантириш муаммоларига Қ.Х.Абдурахманов, М.Р.Болтабаев, М.Э.Пўлатов, Н.Т.Тухлиев, И.С.Тухлиев, И.Иватов, М.К.Пардаев, З.Д.Адилова, Ф.К.Комилова, Б.Х.Тураев, Д.Х.Асланова, А.Ф.Саидов, Т.Т.Ташмуратов, Е.В.Гольшева, О.М.Ҳамидов, А.Н.Норчаев, Ш.Р.Файзиева, А.А.Эштаев, Д.К.Усманова, Б.Ш.Сафаров, М.Т.Алимова каби мамлакатимиз иқтисодчи олимлари ўз илмий ишларини бағишлаган⁴. Ўзига хос фаолият тури сифатида туризм ва

³ Александрова А. Ю. Международный туризм. Учебное пособие для вузов. - М.: Аспект Пресс, 2001.- 464 с.; Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма. - М.: Финансы и статистика, 2003. - 176 с.; Биржаков М.Б. Введение в туризм. - Издание 9-е переработанное и дополненное. - СПб.: «Издательский дом Герда», 2007. - 576 с.; Енджейчик И. Современный туристский бизнес. - М.: Финансы и статистика, 2003. - 320 с.; Жукова М.А. Менеджмент в туристском бизнесе. Учебное пособие. - М.: КНОРУС, 2006. - 160 с.; Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма: Учебник. 4-е изд., стереотип. - Минск: Новое знание, 2004. - 409 с.; Квартальнов В.А. Туризм: история и современность: Избранные произведения: В 4-х т. -М.: Финансы и статистика, 2002. - 499 с.; Саак А.Э., Пшеничных Ю.А. Менеджмент в социально - культурном сервисе и туризме. - СПб.: Питер, 2006. - 512 с.; Чудновский А.Д., Жукова М.А. Менеджмент в туризме и гостиничном хозяйстве. - М.: КНОРУС, 2005. - 320 с.; Шерер Ф., Росс Д. Структура отраслевых рынков. / Пер. с англ.- М.: ИНФРА, М. 1997. - 698 с.

⁴ Абдурахмонов К.Х. Менеджмент туризма: Учебное пособие. - Т.: Филиал ФГБОУ ВПО «РЭУ им. Г.В. Плеханова» в г. Ташкенте, 2013., Boltabayev M.P, Tuxliyev I.S. Turizm: nazariya va amaliyot. –Т.: «Fan va texnologiya», 2018, - 400 б. Пўлатов М.Э. Бизнес фаолиятини баҳолаш интеграл мезонини ҳисоблаб чиқишнинг замонавий моделлари// Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - Тошкент, 2011. - №4. - Б.23 -26. (08.00.00; № 1); Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. - Т.: Гос.науч.изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2006. - 424 с.; Тухлиев И.С. ва бошқа муаллифлар. Туризмни режалаштириш. Дарслик. - Т.: «Iqtisod-Moliya», 2010. - 238 б.; Иватов И. Ресторанное хозяйство в туристической сфере. Учебное пособие - Т.:ТГЭУ, 1998. - 131 с.; Пардаев М.Қ., Атабаев Р. Туристический ресурсларни тахлил қилиш ва баҳолаш. - Самарқанд: СамИСИ, 2006. - 137 б.; Adilova Z.D. Aliyeva M.T., Norchaev A. Turizm menejmenti. O'quv qo'llanma. – Т.: TDIU, 2011; Камилова Ф.К. Халқаро туризм бозори. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2007. - 192 б.; Тураев Б.Х. Организационно-экономические механизмы регионального туризма. - Т.: Фан, 2009. - 154 с.; Асланова Д.Х. Модели формирования туристского кластера за рубежом // Сервис, 2013. - №1. - С: 4-9; Саидов А.Ф. Организационно-экономические механизмы управления туризмом Республики Узбекистан: Дисс... док. экон. наук - Т., 1994. - 252 с.; Ташмуратов Т.Т. Халқаро туризм. - Т.: Турон – Иқбол, 2007. - 320 б.; Гольшева Е.В. Совершенствование организации и

рекреацияни таҳлил қилишга бағишланган В.И.Азар, М.Б.Биржаков, Я.Гезгали, Г.А.Карпова, В.А.Квартальнов⁵ каби олимларнинг илмий-тадқиқот ишлари эътиборга молик.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда туристик-рекреацион хизматларнинг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциясини илмий жиҳатдан асослаш, ҳудуднинг рекреацион салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган ташкилий-иқтисодий тизимни ўзгартириш зарурати намоён бўлмоқда. Ушбу масалалар назарий тадқиқотлар ва амалий ечимлар даражасида ўз аксини қисман топган бўлса ҳам, аммо бевосита туристик-рекреацион хизматлар соҳасини назарий-методологик жиҳатдан ўрганиш ва унинг туризм индустриясини ривожлантиришдаги ўрнини белгилаш долзарб масала ҳисобланиб, бу борадаги илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш давр талаби бўлиб қолмоқда. Айнан шу ҳолат диссертациянинг мақсади ва вазифаларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ҳамда Ф-1-61 «Ўзбекистоннинг туристик-рекреацион салоҳиятини ривожлантиришда минтақавий геоахборот тизимини шакллантириш» давлат фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда туристик-рекреацион хизматларни ривожлантириш хусусиятлари ва тенденцияларини очиб бериш ҳамда туристик-рекреацион хизматлар бозорида таклифнинг дифференциацияси асосида унинг истиқболини башорат қилиш бўйича илмий-амалий тавсия ва таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«рекреацион туризм», «рекреацион хизматлар» ва «туристик-рекреацион хизматлар» тушунчаларининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини очиб бериш;

Ўзбекистон туристик-рекреацион хизматлар бозорининг ривожланишида таклифнинг дифференциациясини ҳисобга олиб, амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

механизма регулирования развития туризма в рыночных условиях: Дисс... канд. экон. наук. – Т.: ТашГЭУ, 2011. -170 с.; Хамидов О.Х. Выбор конкурентной стратегии предприятия на рынке туристических услуг Узбекистана: Дисс...канд. экон. наук. -С.: СамИСИ, 2006. - 155 с.; Норчаев А.Н. Халқаро туризм ривожланишининг иқтисодий ўсишга таъсири (Испания мисолида): Иқт.фан.номз. дисс. - Т., 2004. - 136 б.; Файзиева Ш. Р. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш: и.ф.н. дисс - Т., 2006. - 156 б.; Eshtayev A.A. Turizm industriyasini boshqarishning marketing strategiyasi. Monografiya. - Т.: Fan, 2011; Усманова Д.К. Особенности формирования туристского продукта и перспективные направления его развития: Дисс ...канд. экон. наук - С.: СамИСИ, 2009. - 157 с. Сафаров Б.Ш. Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари. - Т.: Фан ва технология, 2016. - 184 б., Алимова М.Т. Ҳудудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари// Монография. – Тошкент: Иқтисод, 2015 - 300 б.

⁵ Азар В.И. Экономика и организация туризма. - М.: Экономика, 2003. - 322 с.; Биржаков М.Б. Введение в туризм. - Издание 9-е переработанное и дополненное. - СПб.: «Издательский дом Герда», 2007 – 576 с; Гезгали Я. Экономика туризма - М., 2004; Карпова Г.А. Экономика и управление туристской деятельностью. СПб ГУЭФ, 268 с.; Квартальнов В.А. Менеджмент и маркетинг в социально - культурной сфере. Учеб. пособие. 2 - е изд. - СПб.: Книжный дом, 2003. - 644 с.

Ўзбекистон ҳудудларида туристик-рекреацион хизматларни ривожлантириш тенденцияларини очиб бериш;

туристик-рекреацион салоҳиятни баҳолаш усулини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда туристик-рекреацион салоҳиятни ривожлантиришнинг минтақавий геоахборот тизимини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда туристик-рекреацион хизматларни ривожлантириш истиқболини башорат қилиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон ҳудудларидаги туристик-рекреацион соҳа таркибидаги субъектлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети туристик-рекреацион хизматларни шакллантириш ва унинг фаолият юритиши ҳамда ривожланиши жараёнида вужудга келадиган ташкилий-иқтисодий муносабатлардан иборат.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда абстракт-манتيқий таҳлил, индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, SWOT-таҳлил, иқтисодий-математик усуллар, жумладан, регрессион таҳлил, динамик қаторларни аналитик текислаш ва экстрополяция усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«рекреация», «рекреацион туризм» ва «туристик-рекреацион хизматлар» тушунчаларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти туристик-рекреацион хизматларнинг иқтисодиёт тармоқларидаги мультипликатив самарани инобатга олган ҳолда илмий жиҳатдан очиб берилган;

минтақада (Самарқанд) туристик-рекреацион хизматлар салоҳиятини мувофиқлаштирадиган туристик-рекреацион хизматлар соҳасидаги корхоналарнинг ягона ахборот-аналитик бошқариш тизими таклиф қилинган;

туристик ресурслар ва объектлар тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва улар асосида янги туристик маршрутларни тайёрлашда ёрдам берадиган туризмни ривожлантиришнинг минтақавий геоахборот тизимини шакллантириш тартиби ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон ҳудудларида туристик-рекреацион хизматлар бозорининг ривожланиш тенденциясида санатор-курорт ва дам олиш муассасалари фаолиятининг ривожланиш даражаси бўйича ҳудудий бирликлар концентрацияси ва таклифнинг дифференциацияси аниқланган;

Ўзбекистон Республикасида 2018-2021 йиллар даврида туристик-рекреацион хизматларни ривожлантиришнинг прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон туристик-рекреацион хизматлар бозорининг ривожланиш тенденциясида санатор-курорт ва дам олиш муассасалари фаолиятининг ривожланиш даражаси бўйича ҳудудий бирликлар концентрацияси ва таклифнинг дифференциациясини аниқлаш усули Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси ва маҳаллий ҳокимиятлар янги санатор-курортлар

ҳамда дам олиш муассасаларини рационал жойлаштиришда ва режалаштиришда қўлланилган;

туристик-рекреацион ресурслари геоахборот тизимидан ва минтақавий геоахборот тизимини шакллантириш бўйича аниқ таклифлардан Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан ягона миллий реестрларни шакллантиришга йўналтирилган ички, кириш ва чиқиш туризмни комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган;

туристик-рекреацион хизматлар салоҳиятини мувофиқлаштирадиган «Ягона ахборот - аналитик бошқарув тизими»ни Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари қошида ташкил қилиш таклифи қабул қилинган;

Ўзбекистон Республикасида 2018-2021 йиллар даврида туристик-рекреацион хизматларни ривожлантириш кўрсаткичларини прогнозлаштириш Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси санатор-курортлар бошқармаси фаолиятида қўллаш учун қабул қилинган.

Ушбу тадқиқот доирасида муаллифнинг Самарқанд вилояти туристик-рекреацион ресурсларининг геоахборот тизими бўйича илмий ишланмаси учун Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг гувоҳномаси олинди. Муаллиф томонидан автоматлаштирилган компьютер дастури асосида ишлаб чиқилган тизим минтақадаги табиий ва тарихий-архитектура ёдгорликлари, санатор-курорт туридаги ихтисослаштирилган корхоналар, пансионатлар, дам олиш уйлари, туристик-экскурсион, спорт иншоотлари, архитектура ва археология ёдгорликлари, меҳмонхоналар ва туристик базалар ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва улар асосида янги туристик маршрутларни тайёрлашда ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган услубий ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, SWOT-таҳлил ва социологик сўровномаларнинг махсус талаблар асосида ўтказилгани ҳамда хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтгани, шунингдек олинган натижаларнинг амалиётда фойдаланилгани билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти диссертация натижалари минтақада туристик-рекреацион хизматларни ривожлантиришга йўналтирилган аниқ тавсияларнинг назарий ва методик асосларини шакллантириш имконияти мавжудлигида ифодаланади. Бу тавсиялар мажмуаси туристик корхоналар хўжалик фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва шу асосда туристлар талабини тўлиқ қондириш шароитини туғдирувчи бошқарув тизимини жорий қилиш имкониятини яратади. Тадқиқот натижаларидан олий ва ўрта махсус касб таълими тизимида туризм ва хизматлар соҳасида иқтисодчилар, менежерлар, маркетинглар, туроператорларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг назарий-илмий хулосалари ва методик тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси

фаолиятида ва Самарқанд вилоятининг 2020 йилгача мўлжалланган туризм соҳасини ривожлантириш дастури кўрсаткичларини амалга ошириш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда туристик-рекреацион хизматларни ривожлантириш хусусиятлари ва тенденциялари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«рекреацион туризм» атамаси, «рекреация» тушунчаси ҳамда геоахборот тизимини шакллантириш ҳақидаги маълумотлар «Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш» таълим йўналишининг талабалари учун тайёрланган «Туризм: назария ва амалиёт» номли дарсликка киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 февралдаги 89-03-583-сонли маълумотномаси). Ушбу илмий-тадқиқот иши натижалари туризмга оид фанларни такомиллаштириш ва ўқитиш сифатини оширишга қаратилган;

рекреация объектларининг жойлашуви ва ҳудудлар кесимидаги мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланишда ягона ахборот-аналитик бошқариш тизими «Ўзбектуризм» миллий компанияси Самарқанд вилоят минтақавий бўлими томонидан амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган (Самарқанд вилоят минтақавий бўлимининг 2016 йил 16 майдаги 84-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижаларидан фойдаланиш туристик-рекреацион хизматлар соҳасида ҳудуд ресурслар салоҳиятининг ўзаро функционал алоқаларини таъминлашга ҳамда мазкур ҳудудда туристик-рекреацион хизматлар соҳасида барқарор ривожланишга имкон беради;

Самарқанд вилояти туристик-рекреацион объектларининг геоахборот тизимини шакллантириш тартиби ҳудудий туроператорларнинг янги туристик маршрутлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланиш учун «Ўзбектуризм» миллий компанияси Самарқанд вилояти минтақавий бўлими фаолиятига жорий қилинган («Ўзбектуризм» миллий компанияси Самарқанд вилояти минтақавий бўлимининг 2016 йил 16 майдаги 85-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 21 ноябрдаги 02-09/4069-сон маълумотномалари). Илмий натижадан фойдаланиш вилоятда туризм соҳасига ва унга турдош бўлган корхоналарда кўшимча равишда 8,4 мингта янги иш ўринларини очиш имкониятини беради;

туристик-рекреацион ресурсларининг геоахборот тизими ишланмасига “IX-X Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар” Республика ярмаркасида куйидаги шартномалар тузилган: ТАТУ Самарқанд филиали билан ХТ-5/2016-сон шартнома, ОАЖ «Talaba Food Servis» корхонаси билан ХТТС-8/2017-сон, ОАЖ «Javoxir plus express» корхонаси билан ХТТС-12/2017-сон, СамДАҚИ билан 4-сон шартномалар;

Ўзбекистон туристик-рекреацион хизматлар бозорининг ривожланиш тенденциясида санатор-курорт ва дам олиш муассасалари фаолиятининг ривожланиш даражаси бўйича ҳудудий бирликлар концентрациясини аниқлаш бўйича илмий тавсиялар Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси фаолиятида қўллаш учун қабул қилинган (Ўзбекистон касаба

уюшмалари федерацияси кенгашининг 2017 йил 28 ноябрдаги БМ-13/1791-сон маълумотномаси). Илмий натижадан фойдаланиш минтақаларда тегишли рекреация инфратузилмаларининг ташкил этилишига, мавжуд санатория ва соғломлаштириш масканларидан самарали фойдаланишга, янгиларини куриш ва туристик-рекреацион хизматлар соҳасининг жадал ривожланишига олиб келади;

Ўзбекистон Республикасида 2018-2021 йиллар даврида туристик-рекреацион хизматларни ривожлантиришнинг прогноз параметрларини асослаш бўйича илмий тавсиялар Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг 2017 йил 28 ноябрдаги БМ-13/1791-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида 2018-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси санатор-курорт муассасалари сонининг ўртача йиллик 15% га, санатор-курорт муассасалари томонидан хизмат кўрсатилган жами фуқаролар сонининг ўртача йиллик 14% га, санатор-курорт муассасалари томонидан хизмат кўрсатилган хорижий фуқаролар сонининг ўртача йиллик 16% га ўсиши кутилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 19 та иш, жумладан, 10 та халқаро илмий-амалий анжуманда ва 7 республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унинг ҳажми 157 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида туристик-рекреацион хизматларни ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари**»га бағишланган биринчи бобида туризм хизмат бозорини ривожлантиришда «рекреация», «рекреацион туризм», «рекреацион хизматлар» ва «туристик-рекреацион хизматлар» тушунчаларининг

ижтимоий-иқтисодий моҳиятини назарий жиҳатдан таҳлил этиш натижасида муаллиф қарашлари қуйидаги тарзда шакллантирилди: «Рекреация» тушунчасининг турли талқинларини таҳлил қилиш натижасида, уни уйдан ташқарида, масалан, табиатга туристик саёҳатларда, санаторий-курорт, соғломлаштириш муассасаларида дам олиш йўли билан соғлигини ва ишчи кучини тиклаш деб тушунишимиз мумкин.

«Рекреацион фаолият» тушунчаси инсоннинг жисмоний кучларини тиклаш, шунингдек уни ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган ва бошқа фаолият йўналишларидан одамлар ҳаракатларининг турли хиллиги ҳамда жараённинг қиймати билан тавсифланадиган, инсоннинг бўш вақтидаги фаолиятини ифодалайди.

Туризмнинг турли таърифларини таҳлил қилган ҳолда «рекреацион хизматлар» тушунчасини туристик маҳсулотни шакллантиришда, сотишда унинг таркибига кирувчи ва бевосита иқтисодиёт тармоқларига мультипликатив самара билан таъсир қилувчи ҳамда туристик-рекреацион ресурсларни истеъмол қилиш жараёнида ҳосил бўладиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва ҳодисалар тўпламидан иборат деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги вақтда туристик хизматлар тушунчаси тўлиқ очиб берилган бўлса ҳам, аммо «туристик-рекреацион хизматлар» тушунчасининг таърифига аниқлик киритиш зарурати пайдо бўлмоқда. Ушбу зарурат туризм ва рекреация ўртасидаги алоқаларни аниқлашда намоён бўлмоқда. Унинг бошқа турдаги рекреацион хизматлардан ажралиб турувчи асосий хусусияти рекреантнинг ушбу хизматлар кўрсатиладиган жойга қиладиган саёҳати ҳисобланади. Рекреацион хизматлар фаолияти ва туризм хизматларининг ўзаро алоқадорлиги, бизнинг фикримизча, уларнинг бир бутун ёки бир қисми сифатида мутаносибликда намоён бўлади. Ўз навбатида, юқорида таъкидланганидек, туристик-рекреацион хизматлар фаолияти ўз ичига бевосита рекреацион хизматларни, санатор-курорт, даволаш, спорт, дам олиш, кўнгилочар объектлар ва воситалар хизматларини ҳам қамраб олади (1-расм).



1-расм. Туристтик-рекреацион хизматлар соҳасининг таркибий қисми

Хизматларни бир вақтда ишлаб чиқиш ва истеъмол қилишдан иборат бўлган туристик-рекреацион соҳанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга

олиб, «туристик-рекреацион хизматлар» тушунчасининг турли таърифларини таҳлил қилиш асосида қуйидаги тарзда таъриф бериш лозим топилди: туристик-рекреацион хизматлар - турист ёки рекреантнинг талабини таъминлаш ва қаноатлантиришга қаратилган ҳамда туристик-рекреацион фаолиятнинг мақсадига ва функционал йўналишига жавоб берувчи, хизмат кўрсатиш соҳасининг мақсадли фаолияти натижасида ҳосил бўладиган мураккаб туризм маҳсулот тури ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги тармоқларининг умумдавлат таснифлагичи «Туризм» соҳаси ташкилотларининг барча хизмат турларини ўзида муккамал даражада мужассам этмаганлиги туфайли туризм алоҳида тармоқ сифатида тан олинмасдан келинмоқда. Айнан шу ҳолат «тармоқ» концепцияси танқидчиларнинг туризм соҳасини тармоқлараро ёки мажмуали концепция тоифасига киритиш ҳуқуқини бермоқда. Бу, ўз навбатида, соҳалар бўйича ишлаб чиқилган ва амалга ошириладиган концепцияларнинг мукамал эмаслиги туфайли туризм соҳасидаги ноаниқликни бартараф этиш ва унинг миллий иқтисодиётдаги ҳақиқий ўрнини белгилашга халақит бермоқда.

Ушбу ҳолат хизматлар таснифлагичида туристлар саёҳатини ташкил қилиш, дам олиш ва соғломлаштириш билан бевосита боғлиқ корхоналар хизматларини тўла акс эттирмайди. Унда транспорт, жойлаштириш, умумий овқатланиш, савдо, маиший хизмат кўрсатиш бўйича маҳаллий хизматлар ўртача статистик истеъмолчига ўртача статистик хизматлар тўпламини акс эттирувчи хизмат кўрсатишнинг миқдорий кўрсаткичларига мўлжалланган бўлиб, туристик-рекреацион хизматлар бозорининг ўзига хос хусусиятлари етарли даражада ҳисобга олинмагани маълум бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, туристик-рекреацион хизмат кўрсатиш корхоналари ривожланган тизимининг шаклланишига салбий таъсир қилмоқда.

Мустақилликдан кейин мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг ўзгариши, туристик-рекреацион хизматларнинг талаб ва таклиф бозоридаги тенденциялари, туризм соҳасининг ривожланиш эволюцияси ҳозирги кунда туризм ва рекреация мазмунининг бошқача талқин қилинишига олиб келмоқда. Аммо бу ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси фаолият турлари бўйича мавжуд хизматларнинг таснифлагичида ўз аксини топмаган.

Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони⁶ иқтисодиётда биринчи маротаба туризм соҳасига стратегик сектор мақомининг берилиши билан ажралиб турибди ва ушбу соҳанинг миллий иқтисодиётдаги ўрнини белгиловчи асосий ҳужжатлардан бирига айланди. Бундай ёндашув туризмнинг барча ҳудудларини ва ўзаро боғлиқ тармоқларини комплекс равишда жадал ривожлантиришнинг етакчи кучига айланиши лозим бўлган иқтисодиётни

⁶ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й. 49-сон, 558-модда, 2017 й., 1-сон, 3-модда, 19-сон, 332-модда.

диверсификациялаш, таркибий ўзгартириш ва барқарор ривожланишнинг кудратли воситасига айлантиради.

Ушбу фармон бўйича туризм соҳасига стратегик сектор мақомининг берилиши туризм индустриясига хизмат кўрсатувчи турдош соҳаларнинг туризмдаги улушини, туризмнинг иқтисодиётдаги мультипликатив самарасини аниқлашда ва тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга имконият беради. Туристик-рекреацион хизматларнинг фаолият турлари бўйича хизматлар таснифлагичидаги ҳақиқий ўрнини аниқлашда туризм индустриясининг мураккаб тармоқлараро мажмуа эканлигини ва унинг шаклланиши турдош хўжалик фаолияти субъектларининг функционал хусусиятлари ҳамда ҳудудий локализацияси билан боғлиқ бўлганини ҳисобга олиш лозим бўлади.

Рекреацион ресурсларни иқтисодий жиҳатдан баҳолаш ресурслардан фойдаланиш кўрсаткичларида ўлчанадиган самара келтирсагина мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, музейларга ташриф буюришдаги тўловлар, кўнгилочар тадбирлар, туристларнинг яшаши, овқатланиши, транспорт харажатлари сингари олинадиган даромадлар шулар жумласидандир. Бирок табиат гўзалликларидан баҳра олиш, санатория муассасаларда минерал сувларда даволаниш, архитектура ёдгорликлари, этнографик байрамлардан олинадиган эстетик завқ-шавқни пул кўринишида ифодалаш жуда мушкул ҳамда муаммоли ҳолат бўлиб ҳисобланади. Бундай вазиятларда эксперт баҳолашга асосланган балли тизимлардан, туристлар орасида ўтказилган социологик сўровномалардан фойдаланилади.

Маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, ҳудуднинг туристик-рекреацион салоҳиятини баҳолаш ва таҳлил қилишда турли хил ёндашувлар мавжуд, жумладан, уларнинг учтаси ишда алоҳида кўрсатилган. Туристик-рекреацион ресурсларни баҳолаш учун эксперт баҳолаш методи истиқболли бўлиб ҳисобланади. Туристик-рекреацион тизимнинг фаолият кўрсатиши ва уни ривожлантириш, самарадорлигини оширишдаги мезонлар сифатида ҳудуд рекреацион ресурсларининг жозибадорлиги кўрсаткичи муҳим ўрин тутди. Ишда ҳудуд рекреацион ресурслари жозибадорлик омилларини миқдор жиҳатидан баҳолаш амалга оширилди.

Диссертациянинг **«Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида туристик-рекреацион хизматларни ривожлантириш тенденциялари»**га бағишланган иккинчи бобида Ўзбекистон туристик-рекреацион хизматлар бозорининг ривожланишида таклифнинг дифференциацияси, Ўзбекистон ҳудудларида туристик-рекреацион хизматларни ривожлантириш тенденциялари ва туристик-рекреацион салоҳиятни баҳолаш жараёнини такомиллаштириш муаммолари таҳлил қилинган.

Тадқиқотлар натижаси бугунги кунда Ўзбекистон туристик-рекреацион хизматлар бозорининг ривожланиш тенденциясида санатор-курорт ва дам олиш ташкилотлари фаолиятнинг ривожланиш даражаси бўйича сезиларли даражада ҳудудий бирликлар концентрацияси ва таклифнинг дифференциацияси мавжудлигини кўрсатмоқда. Рекреацион туризмнинг таркибий қисми бўлган санатор-курорт ва дам олиш ташкилотлари

ривожланиш тенденциясининг ҳозирги ҳолати Ўзбекистон ҳудудлари бўйича ҳар бир вилоятнинг ўзига хос хусусиятига кўра фарқланиши аниқланди. Ушбу ҳолатнинг тасдиғини Ўзбекистон Республикаси ҳудудлардаги санатор-курорт ташкилотларининг 2011-2016 йиллардаги ривожланиш динамикаси ифодалайди (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлардаги санатор-курорт ташкилотларнинг 2011-2016 йиллардаги ривожланиш динамикаси*

	Санатор-курорт ташкилотларининг сони		Номер фонди				Жойлаштирилган шахслар сони, киши	
			Номерлар (хона)		ётишга мўлжалланган жойлар сони			
	2011	2016	2011	2016	2011	2016	2011	2016
Ўзбекистон Республикаси	149	171	9629	7149	16999	22215	255096	334791
Қорақалпоғистон Республикаси	12	10	364	311	855	778	6380	6197
Вилоятлар:								
Андижон	10	9	302	314	855	675	8858	4477
Бухоро	5	3	252	224	470	530	6881	7927
Жиззах	4	11	431	267	672	872	10558	20585
Қашқадарё	9	10	421	433	885	946	7653	11469
Навоий	5	6	348	301	582	655	7911	9023
Наманган	13	16	1351	1067	2458	2773	38661	50206
Самарқанд	11	20	606	272	862	1820	12416	16887
Сурхандарё	7	9	373	125	430	774	3051	7557
Сирдарё	2	2	3	54	112	6	522	145
Тошкент	24	25	2288	1539	3500	4433	65280	93244
Фарғона	25	31	1892	1210	2898	3224	47877	41359
Хоразм	5	4	88	115	445	405	3022	3986
Тошкент ш.	17	16	910	917	1975	3224	36020	41359

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган

Жадвал маълумотларига кўра, 2011-2016 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси бўйича Қорақалпоғистон Республикасида 16% га, вилоятлар кесимида Андижон 10% га, Бухоро 40% га, Хоразм 20% га санатор-курорт муассасалари сонининг пасайиш тенденцияси кузатилган бир пайтда, вилоятлар бўйича Жиззах 2,7 маротаба, Қашқадарё 11% га, Самарқанд 80% га, Навоий 20% га, Наманган 23% га ривожланишга эришган, Сурхондарё 29% га, Тошкент 4% га, Фарғона 24% га мазкур кўрсаткичнинг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Хусусан, таҳлилий давр давомида Ўзбекистон Республикасида санатор-курорт муассасаларида ётишга мўлжалланган жойлар сони 30,6% ўсган бўлса, Сурхандарё вилоятида 1,8 маротаба, Самарқанд вилоятида 2,1 маротаба ўсиш тенденциялари кузатилмоқда. Таҳлил натижалари Ўзбекистон Республикасида санатор-курорт хизматлари таклифи ҳажмининг ошиши мазкур хизматлар турларига мос ҳолда талабнинг ўсиб бориш тенденциясини намоён этмоқда.

Бажарилган таҳлилга кўра, Ўзбекистон ҳудудларидаги санатор-курорт ташкилотлари фаолиятининг жойлаштирилган шахсларга кўрсатилган хизматларини қуйидаги гуруҳларга бирлаштириш натижасида ҳудудий бирликлар концентрацияси ва таклифнинг дифференциация даражалари аниқланди. Ўта ривожланган вилоятлар қаторига: Тошкент, Фарғона, Наманган, Тошкент шаҳри киради. Ривожланган вилоятларга: Жиззах, Самарқанд киради. Ўртача ривожланган вилоятларга: Қашқадарё, Навоий, Бухоро киради. Кам ривожланган вилоятлар қаторига: Сурхандарё, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Хоразм ва ривожланмаган вилоятлар қаторига Сирдарё вилояти киради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, жадвал маълумотларига кўра, Ўзбекистон ҳудудларида жойлашган санатор-курортларда даволаниш хизматини кўрсатиш бўйича ҳудудий бирликлар концентрацияси, асосан, туризми ривожланган йирик шаҳарларга тўғри келмоқда ва таклифнинг дифференциацияси кам ривожланган вилоятлар қаторидаги Қашқадарё вилоятига тўғри келмоқда, Хоразм, Қорақалпоғистонда, Андижон ва Сирдарё вилоятларида эса талаб тўла қондирилмай қолмоқда. Демак, ҳудудларда жойлашган санатор-курортларда даволаниш хизматини кўрсатиш бўйича ҳудудий бирликлар концентрацияси нотекис равишда ривожланиши аниқланди.

Ҳудудлардаги дам олиш муассасаларининг ривожланиш тенденциясини Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 2011-2016 йилдаги маълумотлари асосида юқоридаги усул билан ҳисоб-китоб қилинди.

Ўзбекистон Республикасидаги санатор-курортларда даволаниш ва дам олиш ташкилотлари хизматларига бўлган таклиф ва талабнинг дифференциацияси ҳудудий бирликлар концентрацияси юқори даражада эканлиги маълум бўлмоқда. Бу ҳолат, айниқса, Тошкент, Фарғона, Наманган, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси мисолида яққол кўринади. Чунки бу вилоятларда Ўзбекистондаги жами санатор-курорт ташкилотларининг 57% жойлашган бўлиб, қолган 9 та вилоятга унинг 43% и тўғри келмоқда. Дам олиш ташкилотлари ҳудудий бирликлар концентрациясининг юқори даражаси Тошкент, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида кузатилмоқда. Бу вилоятларда Ўзбекистондаги жами дам олиш ташкилотларининг 70 фоизи жойлашган бўлиб, қолган 10 та вилоятга 30 фоизи тўғри келмоқда.

Ўзбекистонда рекреация объектлари етарли даражада бўлсада, аҳоли сонининг ортиб боришини ва хорижий давлат фуқароларининг дам олиш ва даволаниш мақсадида келишлари ҳам ҳисобга олинганда мавжуд объектлар барча рекреантлар талабини қондира олмаслиги аниқланди. Жумладан, Сурхондарё, Навоий, Андижон, Бухоро вилоятларида ҳали жуда ҳам кўплаб санатор, дам олиш ташкилотлари, пансионат, болалар шифохоналарини бунёд этиш учун имкониятлар мавжудлиги аниқланди. Бу минтақаларда тегишли рекреация инфратузилмалари ташкил этилса, мамлакатимиз аҳолисининг соғлигини тиклашга катта ҳисса қўшилган бўлади ва хорижий туристлар оқимининг ошишига имконият яратилади.

Ўзбекистонда жойлашган санатория ва соғломлаштириш ҳамда дам олиш масканларидан туризм мақсадида фойдаланишда турфирмалар фаолиятининг самарадорлигини ошириш лозим бўлмоқда. Чет элдан келадиган туристларни бевосита турфирмаларнинг йўлланмалари асосида даволаш санаторияларида ва дам олиш ташкилотларида даволаниши ҳамда дам олиши учун шароитлар яратиш бугун иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ўз ечимини кутиб турган долзарб масала бўлиб турибди. Бу муаммо Ўзбекистон фуқаролари учун ҳам долзарб ҳисобланади, чунки фуқароларимизнинг аксарият қисми мавжуд пансионат, санаториялар ва соғломлаштириш масканларининг даволаш фаолиятдан тўла фойдаланмайдилар. Бизнингча, ушбу масалани ҳал қилишда рекреацион фаолиятда Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан янги имтиёзлар тизими ишлаб чиқилса, халқимиз ва чет элликларда қизиқиш кучаяди. Бу, ўз навбатида, мавжуд санатория ва соғломлаштириш масканларидан самарали фойдаланишга, янгиларини қуриш ва натижада туристик-рекреацион хизматлар соҳасининг жадал ривожланишига олиб келади.

Ўзбекистон ҳудудларида туристик-рекреацион хизматларни ривожлантириш стратегиясини шакллантиришда қуйидаги тенденцияларни ҳисобга олиш лозим:

санатор-курортларда даволаниш ва дам олиш ташкилотлари ҳудудлар бўйича жойлашувининг талабга нисбатан нотекис ривожланиши;

ҳудудларда мақсадли рекреацион туризмни ривожлантиришга инвестициялар киритиш аҳамиятининг ўсиши;

хорижий мамлакатлардан дам олиш, бевосита даволаниш мақсадида Ўзбекистонга келадиганлар сонининг камлиги;

талабга жавоб берадиган замонавий хусусий турдаги санатор-курорт ташкилотларнинг камлиги ва бунда тадбиркорлар инвестициясидан самарали фойдаланишда тегишли солиқ, божхона имтиёзларининг етишмаслиги.

Минтақаларнинг туристик-рекреацион салоҳияти рекреацион ресурсларнинг географик табиий жойлашуви билан боғлиқ бўлади.


Туристик-рекреацион ресурслардан самарали фойдаланиш даражасини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг туристик-рекреацион объектларини жойлаштиришнинг электрон харитаси ишлаб чиқилди. Ишда Ўзбекистон ҳудудлари бўйича жойлашган туристик-рекреацион объектлар электрон харитасининг шарҳи ҳам берилган.

Электрон хаританинг дастурий таъминоти халқаро стандартлар ва технологиялар асосида ишлаб чиқилган очик кодли дастурий маҳсулотлардан фойдаланилган. Барча дастурий таъминотлар Java Enterprise Edition архитектураси асосида қурилган. Ташқи ахборот тизимлари ва ресурслари билан ахборот алмашишни таъминлаш учун OGC Web Map Service (WMS), Web Map Tile Service (WMTS), Web Feature Service (WFS) стандартлари ва интеграция учун эса сервисга мўлжалланган SOAP архитектураси

кўлланилган ҳамда схематик боғланиши диссертацияда батафсил баён этилган.

Туристтик-рекреацион хизматларни ривожлантиришда фуқароларнинг келиш мақсадлари бўйича таҳлили 2016 йилда Ўзбекистон фуқаролардан жами келиб жойлашганлар сони 1013934 кишини ташкил қилган бўлса, шундан, ишбилармонлик ва касбий мақсадлар бўйича жойлашганлар 52,3% ни, дам олиш мақсади бўйича 20,3% ни, бевосита даволаниш мақсади бўйича атиги 2,2% ташкил қилмоқда. Бу кўрсаткичларнинг яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар фуқароларининг келиш мақсадлари бўйича таҳлили бундан ҳам камлигини кўрсатмоқда. Унда жами келиб жойлашганлар сони 499146 кишини ташкил қилган бўлса, шундан, ишбилармонлик ва касбий мақсадлар бўйича жойлашганлар 22,37% ни, дам олиш мақсади бўйича 51% ни, даволаниш мақсади бўйича атиги 0,55% ташкил қилган, холос.

Ўзбекистон Республикаси ва Самарқанд вилояти бўйича дам олиш ва даволаниш мақсадида жойлашганларни жами кишилар сонигаги улушининг қиёсий таҳлили натижаларига асосан 2011-2016 йиллар давомида Самарқанд вилояти бўйича таҳлил этилаётган кўрсаткичнинг ўсиш даражаси Ўзбекистон Республикаси мос кўрсаткичларидан юқори бўлмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида дам олиш ва даволаниш мақсадида жойлашганларни жами кишилар сонигаги улуши 2011 йилда 17,75% ни ташкил этган бўлса, мазкур кўрсаткич 2016 йилда 1,14 маротаба ўсиш тенденциясини намोён этиб, 20,3% га ошган. Самарқанд вилояти бўйича эса дам олиш ва даволаниш мақсадида жойлашганларни жами кишилар сонигаги улуши 2011 йилда 23,72% ни ташкил этган ҳамда мазкур кўрсаткич 2016 йилда республиканинг мос кўрсаткичларидан шиддатлироқ, яъни 1,75 маротаба ўсиш тенденциясини намоён этган ҳолда 41,14% га етган (3-расм).



3-расм. Ҳудудларда дам олиш ва даволаниш мақсадида жойлашган кишиларнинг ўсиш тенденцияси (%да)

Самарқанд вилояти катта туристик-рекреацион салоҳиятига эга бўлгани ҳолда ундан самарали фойдаланиш борасида бошқа вилоятлардан орқада

қолмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири Самарқанд вилоятида катта ёшдаги дам олувчилар учун мўлжалланган соғломлаштириш санаторийларининг ва санатор-профилакторийлар сонининг камлиги бўлса, иккинчидан, ҳозирги талабга жавоб берадиган замонавий бошқа мулк шаклидаги санатор-курорт ташкилотларининг йўқлигидандир. Вилоятда бу турдаги хусусий санатор-курорт масканларини қуриш учун етарли даражада маблағга эга бўлган тадбиркор-инвесторлар салоҳияти мавжуд бўлиб, уларни туристик-рекреацион бизнесига жалб қилиш орқали ушбу масалани ҳал қилиш имкониятлари аниқланди.

Ўзбекистон Республикасида 2016 йил ҳолатига кўра, жами 239 та дам олиш ташкилотлари мавжуд бўлиб, шундан, Самарқанд вилоятида атиги 5 таси жойлашган, Тошкент вилоятида 93 та, яъни энг кўп дам олиш ташкилотлари жойлашган бўлиб, республикага ташриф буюрганларга кўрсатилган хизматлар бўйича ҳам Тошкент вилояти пешқадамлик қилмоқда (90619 киши). Самарқанд вилояти 3787 та дам олувчиларга кўрсатилган хизматлар бўйича республикада еттинчи ўринни эгаллаб турибди.

Ушбу ривожланиш тенденциясининг сабаби Самарқанд вилояти, ҳатто, унга кўшни бўлган Қашқадарё (13 та) ва Сурхандарё (12 та) вилоятларидан ҳам кам дам олиш ташкилотлари сонига эга эканлиги маълум бўлди. Бу ҳолат ўз навбатида, Самарқанд вилоятида туристик-рекреацион хизматларни ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Демак, вилоятда мақсадли рекреацион туризмни ривожлантириш бўйича махсус дастурни ишлаб чиқиш ва унга режалаштирилган 11 та дам олиш масканидан ташқари, мавжуд имкониятларни ҳисобга олиб, кўшимча яна 15 та дам олиш масканини барпо этиш лозим эканлиги тавсия қилинди.

Мазкур тадқиқот ишида туризм соҳаси ташкилотчилари нуқтаи назаридан, технологик жиҳатлари қолиб, туристик-рекреацион хизматларнинг бевосита истеъмолчиси нуқтаи назаридан ҳудудни баҳолаш амалга оширилган. Туристик-рекреацион хизматларнинг бевосита истеъмолчиси нуқтаи назаридан алоҳида олинган ҳудудни баҳолаш мақсадида соҳа ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларнинг рўйхати қуйидаги гуруҳларга бирлаштирилди:

- транспорт қулайликларининг мавжудлиги;
- туристик-рекреацион инфратизмнинг мавжудлиги;
- экологик жиҳатдан қулай бўлган ҳудуд;
- ҳудудда туристик-рекреацион фаолият объектларнинг мавжудлиги;
- ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари.

Шу тарзда, аниқ ҳудуддаги туристик-рекреацион шарт-шароитларни интеграл баҳолаш усули ёрдамида ҳисобланди:

$$O = T \times K_T + I \times K_I + \text{Э} \times K_{\text{Э}} + X \times K_X + \text{ИИ} \times K_{\text{ИИ}} \quad (1)$$

